



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 24 март куни «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жорий йилда амалга ошириш масалалари бўйича видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Ташқи ишлар вазири ўринбосари Шерқод Асадов Президент Администрацияси раҳбари ўринбосари – Президентнинг матбуот котиби этиб тайинланди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фарқод Арзиев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари – БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти раҳбари Лю Чженмин билан видеоконференцалоқа шаклида музокара ўтказди.



«International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида «Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида маҳалла институтининг оилаларни мустаҳкамлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ўрни» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида вилоят маҳалла тизимида самарали меҳнат қилаётган, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, юрт тараққиёти йўлида жонқуярлик кўрсатаётган 53 нафар фидойи юртдошимизга «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги 24 март кундан жамоат жойларида тиббий ниқобдан ва антисептик воситалардан фойдаланган ҳолда ҳаракатланиш бўйича санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши бўйича назорат кучайтирилгани, 25 мартдан яна кўшимча чоралар кучга кириши ҳақида хабар берди.

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил  
25 март  
пайшанба  
№ 41  
(4481)

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Сирдарё вилояти

Мустақилликнинг 30 йиллигига 30 та иш ўрни

## «KASABA SERVIS TRADE»: Касаба уюшмаларининг янги корхонаси



Сирдарё вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ташаббуси билан «Kasaba servis trade» МЧЖ ташкил этилди.



Мазкур корхона бирлашма ҳисобидан бўлиб, Ихтиёр Алиев раҳбарлигида бўш турган жой ва бина ташкирланди. Бу ерда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тикувчилик ва ошхона хизмати, спорт-соғломлаштириш маскани бунёд этилди. Уқув хоналари тайёрланиб, ишсиз аёлларни касбга тайёрлаш курслари йўлга қўйилди. Ушбу хизматлар орқали айни пайтда 20 та иш ўрни яратилди.

– 8 нафар хотин-қиз биргаликда иш бошлаяпмиз, – дейди Робия Бўронова. – Бу ерда тикув машинаси, керамика иш қуроллари

мавжуд, асосийси, буюртмаларни иш берувчининг ўзи топиб, тайёрлайди.

50 ўринли ошхонага Дилшод Иминов бош ошпаз бўлиб ишга қабул қилинди. 20 турдаги спорт қуримаси келтирилган соғломлаштириш марказига ҳаммининг ҳаваси келади.

Дарвоқе, касаба уюшмаси тасарруфидан бўлган «Сирдарё» болалар оромгоҳи худудининг бўш ерларида иссиқхона қурилди. 5 сотихли майдонда 1 минг 600 туп помидор кўчати аллақачон жўяқларга ўтказилди. Кўшимча ерга саримсоқпиёз қадаб чиқилди. Яна 500 туп арча кўчатлари парвариши йўлга

қўйилиб, кўчат етиштириш хизмати ишга тушди. Томорқа маҳсулотлари оромгоҳнинг ўзига етиштирилади. Бу жойга 30 бош қўй келтирилган бўлиб, айни пайтда жониворлар 7 бош қўзига кўпайди.

Ушбу ислохотлар амалга оширишда фаол иштирок этаётган касаба уюшмаларининг фаолияти кундан-кунга кенг қамровли бўлаётир. Ният яхши, эзгу бўлса, натижа ҳам шунга муносиб бўлади, деганлари шу бўлса керак-да!

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Айём



«Чинобод санаторийси» АЖда «Ҳар кунинг бўлсин Наврўз» шиори остида сумалак сайли карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

### Сумалак сайли

Эзгуликка йўғрилган қутлуғ айём санаторий ходимлари ва дам олувчиларини бирлаштирди. Тадбирда асрлар оша аждодларимиздан бизгача етиб келган қадриятларимиз, Наврўзни халқимиз қандай нишонлагани ҳақида сўз юритилди.

Кутубхонада китоблар кўргазмаси ташкил этилиб, спортнинг шахмат, шашка, турникда тортилиш, тош отиш турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ваҳобжон ТОЖИЕВ,  
«Чинобод санаторийси» АЖ «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби

Сирдарё вилояти

Мусобақа



«Янгиер» санаторийси жамоаси аёллари иштирокида спартакиада беллашуви ўтказилди. Унда 48 нафар аёл спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика каби турлари бўйича беллашди.

### «Янгиер»да қувноқ баҳслар

Кабулхона ҳамшираси Дилдора Бобатаева шахмат, ошхона ишчиси Шоира Ашурова шашка, ошхона ходими Уғиллой Омонова енгил атлетика ҳамда ҳисобчи Азиза Кўчмуронова стол тенниси баҳсларида ғолиб бўлиб, ҳаммининг олқишига сазовор бўлишди.


– Ходимларнинг ғалабага бўлган интилиши беллашувнинг кўтаринки, қувноқ ўтишини таъминлади, – дейди санаторий бошланғич касабга уюшма қўмитаси раиси Зулфия Абдуразоқова.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Мавжуда НИЯЗОВА,  
«Янгиер» санаторийси маданият ходими

Бухоро вилояти

Танлов



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши Давлат муассасаларида электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касабга уюшма ташкилоти тармоқ кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлади.

### Тежамкорлик учун рағбат

Вилоят тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотлардан 14 нафар бошланғич касабга уюшма ташкилоти қатнашган мазкур танловда вилоят божхона бошқармаси бошланғич касабга уюшма қўмитаси ғолиб деб топилди ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Туроб ҚУЛИЕВ,  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Ўзбекистон касабга уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

**12-11** қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда муурожаат қилишлари мумкин.

Таҳлил

**ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ, УСТУВОР МАҚСАДЛАР, ИСТИҚБОЛ ВАЗИФАЛАРИ**

Инсоннинг ҳар томонлама тенглиги – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим принциплардан биридир. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар билан эркеклар ўртасида тўлиқ тенгликка эришиш ушбу принципнинг асосий талаби ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида мамлакатимизда гендер сиёсати қатъий давом эттирилишини таъкидлагани бежиз эмас. Бу йил юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқотини ташкил этиш, шунингдек, хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилгани ҳам биз ижтимоий, сиёсий ва тадбиркорлик соҳаларида хотин-қизларнинг ўрнини тубдан оширишга қатъий бел боғлаганимиздан далолат беради.

#### ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ

Бу ҳақда фикр юритганда, жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш, аёллар ҳуқуқларини илгари суриш, улар учун имкониятларни кенгайтириш ҳамда бу борада эришил-


ган натижаларни муносиб баҳолашда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Бунда вазирнинг биринчи ўринбосари айнан гендер масалалари учун жавабгар экани алоҳида диққатга лойиқ.

Бундан ташқари, бу борадаги маълумотларни тўплаш, таҳлил ва мониторинг қилиш бўйича махсус Gender.stat.uz тизимига асос солинди. Шунингдек, парламентимиз Пекин Декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини рўйбга чиқариш ҳамда Пекин+25 ташаббуси бўйича ҳисобот тайёрлаш доирасидаги маслаҳатлашулар ва муҳокамаларда фаол иштирок этди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминламасдан барқарор ривожланишга эришиб бўлмаслиги билан боғлиқ ҳаётини таъминлаш маъқуллади. Зеро, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ яхлит тизимнинг самарали ишлашини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан бири тинчлик, демократия.

3 >

### Келгуси сонларда ўқинг...





Кашқадарё вилояти

## Муаммолар тизимли ва аниқ режалар асосида бартараф этилмоқда

Хотин-қизларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, юри-тилаётган «Аёллар дафтари»да белгиланган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов Қашқадарё вилоятида бўлди. Деҳқонobod туманининг бир қатор маҳаллаларидаги учрашувлар чоғида жараёнларнинг қанчалик шаффоф тарзда, ишчанлик руҳида кечаётгани ўрганилди.

Ташриф давомида ишчи гуруҳ томонидан «Ўзбекистон» МФЙнинг Аёллар маслаҳат кенгаши, «Нодира» МФЙда жойлашган Касба ўқитиш маркази, «Истиқлол» МФЙдаги «Хунармандчилик уюшмаси»да хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашиш юзасидан олиб борилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди. Туман ҳокими Зоир Алиқулловнинг билдиришича, Деҳқонobod туманида 30 ёшдан ошган 23918 нафар аёл халовдан ўтказилган. Мулоқотлар орқали оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолган 1573 нафар аёл «Аёллар дафтари»га рўйхатга киритилган ва уларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш механизми жорий этилган. Деҳқонobod тумани ҳокими маслаҳатчиси Меҳри Юлдашевнинг маълум қилишича, энг катта муаммо ишсизлик бўлиб, «Аёллар дафтари»да қайд этилган ишсизлар 958 нафарни ташкил этади. Уларнинг хоҳиши ва

интилишларига кўра, 10 та йўналишда бандликни таъминлаш режалаштирилди. Хусусан, касбга ўқитиш, кредит бериш, томорқадан фойдаланиш учун кўмаклашиш, деҳқон хўжалиги учун ер майдони ажратиш, инвестиция лойиҳалари асосида ишга жойлаштириш ва бошқа бир қатор тадбирлар амалга оширилишига алоҳида урғу берилди. Сенатор Қудратилла Рафиқов ногиронлиги бор, тўшақда ётган, боқувчисини йўқотган ёш болали аёлларга ижтимоий ёрдам бериш орқали туман депутатлар кенгаши қарори ва ўзларининг розилиги билан дафтардан чиқариш мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Туман чорвачилик қилишга қулай бўлиб, жун ва тери маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Шунингдек, бу ерда гиламчилик, куроқчилик, каштачиликнинг бир неча қадимий турлари сақланиб қолган. Демак, шу

### Мулоқот

қадриятларнинг йўқолиб кетмаслиги ва аёллар ишлаб чиқарган гиламлар, қуроқ ва каштачиликни ривожлантириб, замонавий услубдаги сумкалар, кичкина шолчалар ва бошқа юқори дизайнли маҳсулотларни реализация қилишни йўлга қўйса бўлади. Деҳқонobodда қадимда фойдаланилган ўтовлар Қашқадарёнинг бошқа туманларида ишлаб чиқарилмаслигига ҳам эътибор қаратилди. Талаб асосида ўтов, унга керак бўладиган кигиз, тизма ва каштачилик аёллар қўл меҳнати билан яшаш ва сотиш йўлга қўйилса, шу йўл билан ҳам кўпгина хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтиб ўтилди. Туман марказида ишсиз аёллар сони юқорилигини инобатга олиб, касбга ўқитиш марказини тугатган аёллар учун «Истиқлол» ва «Бўстон» маҳаллаларида сендвич панелларини ишлаб чиқариш мумкин. Давлат шерикчилигида иккита цех қурилишига ёрдам берилса, 50 нафардан аёлнинг бандлиги таъминланади. Худуддаги тадбиркорлар ушбу таклифни ўртага ташлашди.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Фарғона вилояти

## Аёллар ҳаётида Наврўз нафаси

Хонадонма-хонадон юриш орқали Бағдод туманида 2 минг 527 нафар хотин-қиз 9 тоифага ажратилган ҳолда «Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган. Уларнинг 714 нафари ишсиз, 196 нафари тиббий ҳимояга муҳтож, 252 нафари боқувчисини йўқотган, 158 нафари учун ижтимоий ҳимоя зарур, дея қайд этилган.

Айтиш керакки, бугун «маҳаллабай» ишлаш тизимига ўтган барча масъул ташкилот раҳбарларининг «дафтар»даги аёллар билан юзма-юз мулоқоти ўз самарасини бераётир.

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ «Амиробод» МФЙда яшовчи Гулбону Қорабоевага кредит олиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни тайёрлашга кўмак кўрсатди. Қисқа вақт ичида, унга банк томони-

дан 24,5 миллион сўм кредит ажратилди. – Тикувчилик цехини очиш учун кредит олишга қийналаётган эдим, – дейди Гулбону Қорабоева. – Ажратилган кредитга 4 та тикув машинаси ва дазвол харид қилдик. Ҳозирда маҳалламизда ишсиз юрган 2 нафар аёлни доимий ишга, 5 нафар қизни шогирдликка олдим. Туманининг «Чекмирзаобод» маҳалласида яшовчи Озода Акбарова шу пайтгача ўзига мос иш тополмай юрганди. Ишчи гуруҳнинг ёрдами билан у 41-МТМга ишга қабул қилинди. «Боғишамол» МФЙда яшовчи Назокат Раҳмонова ҳам коллежни тамомлаб, ишсиз ўтирганди. У ҳам ишчи гуруҳнинг ёрдами билан ўзи яшаётган худуддаги 38-мактабга оператор лавозимига ишга жойлашди.

– Шу кунгача кунлик ишларга чиқиб, рўзгор тебратардим, – дейди Озода Акбарова. – Ишчи гуруҳ хонадонимизга ўрганишга келганда, кунлик ишларда оғир меҳнат қилавериб, саломатлигим яхши эмаслигини, шунинг учун давлат ташкилотларида ишлаш ниятим борлигини айтдим. Улар туфайли ниятим рўёбга чиқди. Айни пайтда уйимизга яқин жойдаги болалар боғчасида ишлаяпман.

Ишчи гуруҳ «Намуна» МФЙда яшовчи Муқаддас Деҳқонова билан суҳбатлашганда, қўлида хунари борлиги, лекин тикув машинаси олишга маблағи йўқлигини билдирганди. Унинг бу муаммоси ишчи гуруҳнинг дафтарида қайд этилди. Дилшода Маҳқомова ҳам ўрганишлар давомида «Аёллар дафтари»га киритилган эди. У бичиш-тикишдан хабари бор, аммо шу кунгача рўзгоридан орттириб тикув машинасини харид қилолмаётганди. Унга ҳам замонавий тикув машинаси топширилган, кўзларида қувонч порлади.

– Тикув машинасини кўриб, болаларим ҳам хурсанд бўлиб кетишди, – дейди Дилшодахон опа. – Анчадан бери оиламизга қўшимча даромад келтиришни мақсад қилиб юргандим. Мана энди менда ҳам қўшимча даромад топшиш имкони пайдо бўлди.

Айтиш жоизки, туманда март ойининг ўзиде 49 нафар аёлга замонавий тикув машинаси ва 21 нафар аёлга икки бошдан кўй берилди. 56 нафар аёлнинг эса бандлиги таъминланди.

### Таассурот

Жиззах вилояти

## Кўҳна кентга янгича нигоҳ



Айни палларда бутун республика бўйлаб қулоч ёзган янги тизим – «Аёллар дафтари» кўлаб опа-сингилларимизнинг кўнгилларига чироқ ёқмоқда.

Ана шундай хайрли тадбирлар доирасида Жиззах вилоятида истиқомат қилаётган ва «Аёллар дафтари»га киритилган 50 нафар аёл учун Хоразм вилоятига бепул саёҳат ташкил этилди.

Жиззах вилоятининг узоқ қишлоқларидан келган, умрида илк бор саёҳатга чиққан аёлларда Хива ва Урганч шаҳарларининг тарихий обидалари, бетақрор архитектура ансамбллари, хунармандчилик намуналари бениҳоя катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш ўринлики, ташкил этилган мазкур саёҳат биринчиси эмас. Бугунги кунгача вилоят бўйича «Аёллар дафтари»га киритилган яна 178 нафар хотин-қиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Хива ва Урганч шаҳарларига саёҳатга олиб борилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Бухоро вилояти

## Жамоа шартномаси муҳокамаси

Бухоро муҳандислик-технология институтида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2020-2022 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг ўтган йил учун белгиланган бандлар бажарилиши яқунларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

## МАЖБУРИЯТ ИЖРОСИ – ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Унда институт проректори Шухрат Ҳожиёв ва касаба уюшма қўмитаси раиси Шукрулло Очиловнинг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидландики, айни пайтда жамоада 868 нафар профессор-ўқитувчи, ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. 2020 йил давомида 36,6 миллиард сўм миқдорида иш ҳақи, 1629,4 миллион сўмлик моддий рағбатлантириш, иш ҳақига 739,3 миллион сўмлик устама тўловлари, 24,4 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам маблағлари тўланган. Бундан ташқари, йил давомида хизмат сафарлари учун 31,1 миллион сўм, ҳомилдорлик таътилига чиққан аёлларга 169,7 миллион, фарзанд кўрган ходим ва талабаларга эса 21,4 миллион сўмлик суюнчи пуллари ажратилди.

Мазкур ўқув даргоҳида 7221 нафар талаба таҳсил оляпти. Уларнинг замон талабларига монанд билим олишлари учун илм маскани-



нинг моддий-техник базаси бойитилиб, инвентарлар, компьютер техникаси, мебель жиҳозлари, дори-дармонлар харид қилинди. Бунинг учун умумий ҳисобда 1 миллиард 353 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Талаба ва ходимлар учун замонавий кўринишдаги 4 та ўқув биноси, 2 та талабалар турар жойи янги техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, Ахборот ресурслар маркази, 20 та компьютер синфи, маиший хизмат шохобчалари хиз-

мат кўрсатмоқда. Жамоа шартномасининг «Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари» бўйича юклатилган мажбуриятлар пандемия шароити талаблари асосида ташкил этилиб, бунинг учун 53 миллион 906 минг сўм сарфланди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳомийлигида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож етти нафар талабанин шартнома пуллари қисман тўлаб берилди. Бун-

дай ёрдам йил давомида 8,5 миллион сўмни ташкил этади. Ижтимоий кам таъминланган ходимлар ва талабаларга хайрия ёрдами ажратиш мақсадида меҳнат жамоаси ташаббуси билан тадбирлар уюштирилиб, 8,3 миллион сўм йиғилди. Ушбу маблағ Наврўз байрами кунлари ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ва талабаларга тарқатилди. Карантин шароитида қийналган меҳнат фахрийлари ва ёлғиз яшовчи ходимлар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, уларга касаба уюшмасининг 4 миллион 670 000 сўмлик маблағи ҳисобидан ўн турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ижтимоий кўмак сифатида тарқатилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилган ишларни, жамоа шартномаси бажарилишини қониқарли деб баҳоладилар.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими бош мутахассиси Сардор Салохутдинов иштирок этади.

Жасур ТОШЕВ,

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

Тошкент шаҳри



## ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ БАҲОЛАНДИ

Йиғилишда маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида олиб борилган ишлар юзасидан берилган ҳисобот ходимлар томонидан бир овоздан қониқарли деб баҳоланди.

Кун тартибидеги барча масалалар кўриб чиқилиб, келгусидаги ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилиш сўнгида математика соҳасини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшаётганлар тақдирланди.

Шерзод ЖўРАЕВ, ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси





